2005 YIL 9 SENTYABR, JUMA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 109 (6.946). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА:

Унда ёшлар топади камол (1,4-саҳифаларда)



(2-саҳифада)

ФИФАнинг қарори (4-саҳифада)




● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни takомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида «Ўзбекистон-Латвия. Объектив орқали нигоҳ» мавзуида фотокўргазма очилди. Тадбир Тошкент Фото уйи ва Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

● Тошкент мезбонлик қилаётган теннис бўйича Осиё чемпионатида иккита босқичдан муваффақиятли ўтганлар чорак финал беллашувларида ўзаро куч синашди.

● Бухоро вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб фотосуратлар кўрик-танлови ўтказилди.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида янги -66-мавсум очилди.

● Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

● Фарғонада «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгаши мактаб ўқувчилари ўртасида улар томонидан тайёрланган плакатлар танловини ўтказди.

● Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Номаълум қирралар» деб номланган Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейининг кўргазмаси очилди.

● Республика Киночилар уйида «Нур эн» студияси томонидан суратга олинган «Тақдир чархпалаги» фильмининг тақдимоти ташкил этилди.

● Германия Федератив республикасининг пойтатимиздаги элчихонасида Ўзбекистон ҳамда ГФР ўртасидаги иқтисодий ва маънавий алоқаларига бағишланган рисоланинг тақдимот маросими ўтказилди.

● Олмалиқ шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Лебирал демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан «Истиқлол муборак, Она юртим» мавзуда оммавий тадбир ўтказилди.



Шовотлик фермер Бибижон Абдураҳимова нафақат боғдорчиликнинг балки пахтачиликнинг ҳам ҳадисини олган. У жорий йилда 20,2 гектар ерда ғўза парваришлади. Унинг даласидаги пахта қийғос очилган. Айни пайтларда фермер йиғим терим тараддудида.
СУРАТДА: Б.АБДУРАҲИМОВА.

# Тошкентда пахта ярмаркаси

***Тошкентда жаҳон пахта бозорида йирик воқеа - биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилади. У 2005 йил 10-11 октябр кунлари «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтади. Ўзбекистон ҳукумати ва пахта саноати масалаларида дунёда энг нуфузли нашр Cotton Outlook ярмарка ташкилотчилари ҳисобланади.***

Ўзбекистон иқтисодиётида пахтачилик ва у билан боғлиқ қайта ишлаш саноати муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Президент Ислом Каримов ташаббуси билан тармоқни тубдан модернизация қилиш йўналиши танланди. Бозор муносабатлари шароитида пахтани етиштириш, қайта ишлаш ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёндашув ўзгарди. Жумладан, сўнгги йилларда республика селекционерлари бир қатор истиқболли навларни яратди. Бу навлар нафақат юқори ҳосилдорлиги, балки толасининг сифати билан ҳам ажралиб туради. Олимларимиз ўсимликларни ҳимоя қилишнинг янги, янада самарали воситаларини ишлаб чиқиб, умумий ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Қайта ишлаш ва тўқимачилик корхоналарини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш давом этмоқда, маҳсулот сифатини, демакки унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш имконини берувчи илғор технологиялар жорий этилмоқда.

INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR TASHKENT 2005

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тармоққа жалб этилаётган хорижий инвестициялар ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари хорижда тобора кўпроқ ҳамкорлар топмоқда, улар Ўзбекистон билан ишончли иқтисодий муносабатлар ўрнатиб, ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Савдо механизмлари мунтазам такомиллаштирилмоқда, жумладан, кафолатли етказиб бериш тизимлари қўлланмоқда, транспорт йўлаклари кенгайтирилмоқда. Яқингача республика ўз пахта экспортини асосан Европа Иттифоқи мамлакатларига йўналтирган бўлса, эндиликда унинг географияси анча кенгайди. Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Жануби-шарқий Осиёнинг бошқа давлатларида тўқимачилик саноати жадал ривожланиб, ўзбек пахтасига катта эҳтиёж сезилмоқда.

Бугун Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ва экспорти бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Шу боис, биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси чет эл ишбилармон доираларининг катта эътиборини қозонади. Ҳозирдаёқ Жануби-шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларининг компания, фирма, корхоналари ярмаркада иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Ярмаркани ўтказиш бўйича ташкилий қўмитадан хабар беришларича, ундан кўзланган асосий мақсад пахта толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, узоқ муддатли савдо муносабатларини янада ривожлантиришдир. Ўзбек пахтаси истеъмолчилари унинг сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва савдоси борасидаги сўнгги янгиликлар билан танишадилар. Мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг йирик туркумлари савдога қўйилади. Бундан ташқари, ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон экспортчилари билан келгуси ҳосил пахтасини етказиб бериш бўйича ҳам узоқ муддатли битимлар тузиш имконига эга бўлади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

***Бир дугонамнинг опаси билан суҳбатлашиб ўтирардик. Гап орасида у "Одамларда инсоф қолмадими, дейман. Поччанг яқин дўстига бир кишидан уч миллион сўм қарз олиб берганди. Кўмак бўлсин деган-да. Унга ишонганидан на тилхат, на бир қоғоз ёздириб олган. Дўсти бундан тондиқўйди. Энди эса шу пулни икки йилдан бери ўзимиз тўлаяпмиз".***

# Ҳалол луқма

Бир ҳадисда бировнинг ҳақини еган одамнинг гуноҳларини то шу мол эгаси кечирмагунча худо кечирмаслиги айтилган, бу қарз қиёматгача унинг бўйнида қолиб кетаркан.

Баъзида ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, ўзига тўқ оиладаги фарзандларнинг ўғирлик, ахлоқсизлик, гиёҳвандликка берилиб кетганини кўриб "нима етишмас экан?" дейсиз ажабланиб. Ким билади, балки бу ҳам кексалар айтганидай, текин топилган ҳаром луқманинг оқибатидир.

Ривоят қилишларича, фозил бир кишига бир мешкобчи шикоят қилибди: "Ўғлингиз ҳар куни мешларимни тешиб, сувларини оқизиб юборяпти" дебди. У киши ҳайрон бўлибди, кўп ўйлабди. Ахийри хотинига: "Ўғлинг эндигина 7 ёшга кирди, қўлимиздан келганича фақат ҳалол едириб-кийдирдик, нега бу ҳол бўлди экан?" дебди. Шунда хотини ундан узр сўраб: "Унга ҳомиладор пайтим эди, бир куни қўшниникига ғалвир сўраб чиқдим. Қўшни ғалвир олиб чиқишга кирганда, ликопчада турган уч дона пўртахолга (апельсин) кўзим тушди. Жуда егим келди, бироқ сўрашга истиҳола қилиб, тўғноғичимни бир неча марта пўртахолга ботириб олиб, шарбатини татигандим" деди...

Бировнинг ҳақидан ўзини тиймаслик, истиҳола қилмаслик одати қаердан юқаркин ўзи, дейман. Бундай одатни ўзига эп кўрадиганлар ёшлар орасида ҳам учраб тураркан. Бир талаба айтишича, ёнидаги дўстидан пул олиб, "қачон олувдим, сендан бир-икки марта пул сўраганмидим" деб бехижолат қараб тураверадиганлари ҳам бўларкан. У ўзига ўхшаган бир талабанинг пулини еб, кейин бундан тонаётган бўлса, эртага ўқишни тугатиб, бирор мансабгами ўтирганида текин даромадни ўмаришга тушиб кетмаслигига ишониш қийин. Аслида ҳалол нон топиб, меҳнат қилиб, хотиржам яшаганга нима етсин?! Бундай хотиржамлик нима эканлигини ҳамма ҳам ўзида ҳис қилиб кун кечирса қанийди. Зеро, ҳалол луқма дилгача татийди. Сиз бунга нима дейсиз?

**Саида ЭШМЎМИНОВА**

# Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

***Мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир.***

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлашга, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини янада мустаҳкамлашга, судларнинг мустақиллигини таъминлашга, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги, 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б.Жамолов, ички ишлар вазири ўринбосари А.Шарафуддинов, адлия вазирининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаев, Бош прокурор ўринбосари Б.Нурмуҳамедов ва бошқалар юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси жорий этилди.

Юқорида эслатилган Фармонлар кенг жамоатчилик томонидан, жумладан, хорижда ҳам мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқини, асоссиз жиноий таъқибдан ҳимояланишни, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши судларнинг ўрни ва аҳамиятини янада оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, судларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш - демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардандир.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ДЕФОЛИАЦИЯ:

# Самарадорлик омили

***106 минг гектар майдонга чигит экиб, давлатга 275 минг тонна хом ашё етказиб беришга аҳд қилган хоразмлик пахтакорлар айни кунларда ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Бунда уларнинг кўп йиллик тажрибалари, қолаверса, олимларимизнинг илмий маслаҳатлари қўл келаяпти.***

– Пахтакорларимиз ўтган йилга қараганда бу йил мўл ва эртаги ҳосил етиштиришди, – дейди вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори, биология фанлари номзоди Муҳаммадмурод Худойберганов. –Эндиги мақсад уни вақтида териб олиб, юқори навларга сотишдан иборат. Бунинг учун даставвал ғўза баргларини сунъий равишда тўктириш лозим. Бу юмушга вилоят шароитидан келиб чиққан ҳолда, 3 сентябрда киришилди. 50 минг гектар майдондаги ғўза 17 сентябргача тўлиқ дефолиация қилиниши кўзда тутилган. Шу кунга қадар эса 30 минг гектардан ошиқ майдонга ОВХ пуркагичлари ёрдамида ишлов бериб бўлинди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирда кунига 3370-3700 гектардаги ғўзаларга дефолиантлар сепилаётир. Бу ишларни ўз муддатида тугатилишидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш керак, аввалги йилларда фойдаланилган дефолиантлар кечки кўсаклар ривожини маълум миқдорда тўхтатиб қўярди. Илк бор

МАВСУМ

жорий йил ишлатилаётган "Авгурон" дефолианти эса пахтакорларимизга ҳар томонлама маъқул бўлмоқда. Таъсир муддати 10-12 кун бўлган бу кимёвий восита гул кўсаклар ўсиши, кўсаклар салмоқдорлигининг ошишига салбий таъсир қилмайди ҳамда барглар қуримасдан тўкилади. Бу кўсакларни бўлиқ бўлиб, тезроқ очилишини таъминлайди.

Дефолиациянинг аҳамияти ҳақида Боғот туманидаги Машариф Қувоқов номли ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Ортиқбой Тожиев шундай фикр билдиради: Ширкат хўжалигимизнинг давлатга пахта сотиш режасини биринчилардан бўлиб бажаришида терим машиналарининг аҳамияти катта. Бизда иккита "Кейс" русумли пахта териш машиналари бўлиб, улар мавсумда юқори унум билан ишлатилади. Амалдаги йилда ҳам 250 гектардаги ҳосил техникалар ёрдамида йиғиб олинади. Жумладан, 74 гектар майдонда ғўза парваришлаган ижарачи Бахтиёр Содиқов 55 гектар майдонни машина теримига тайёрлаб қўйди. Каримбой Раҳматов, Сафарбой Искандаров, Болтабика Қурбонова каби ижарачилар ҳам ҳосилни тўлалигича машиналар ёрдамида териб оладилар.

Айни кунларда хоразмлик барча пахтакорлар аниқ ҳисоб-китоб, юксак мақсадлар билан меҳнат қилмоқдалар. Вақтида ва сифатли ўтказилган дефолиация ҳам улар режалари амалга ошишига катта кўмак беради.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:

# Кеча ва бугун

***Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг энг муҳим ва устувор тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, унинг тараққиёти бошқа кўп соҳалар ривожи учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.***

Чунки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшаши, валюта тушумининг 60 фоизга яқини ва жами товар муомаласининг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги билан боғлиқлиги ҳам ушбу тармоқнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Президентимиз Ислом Каримов "Иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғиндир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун, шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг муҳим манбаларидандир" деб таъкидлаганлиги бежиз эмас.

ИСЛОҲОТ

Республикамиздаги 1991-1994 йиллардаги иқтисодий вазиятни кўз олдимизга келтирсак, халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва соҳалари ўртасида номутаносибликлар вужудга келганини, иқтисодий алоқалар заифлиги ва энг асосийси, одамларда боқимандалик кайфиятининг ғоят кучли бўлганлиги ёдга тушади. Янги вазият, яъни бозор иқтисодиёти шароитида талаб этиладиган тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳисси эндигина шаклланаётган эди.

Қишлоқ хўжалигида эса тармоқнинг моддий-техника базаси заифлашган, хўжаликларнинг техника билан таъминланиш даражаси паст, уруғчилик, наслчилик, пахта ва ғалланинг янги, эртапишар навларини яратиш ишлари талаб даражасида эмасди.

(Давоми 2-бетда)

***Жамиятимизда тадбиркорлар фаоллиги ошса, аҳоли турмуш тарзи янада яхшиланади. Бинобарин тадбиркорликнинг ривожи иқтисодий юксалишнинг муҳим омилидир. Қувонарлиси, бугун мамлакатимизда ушбу жараён ўз инъикосини топмоқда.***

ҚАРОР ВА ИЖРО

Очиғи, қайта-қайта таъкидлашни истардики, мазкур Фармонлару Қарор қонунни бузмай ишлаётган, ҳуқуқлари баравурида мажбуриятларини ҳис қилиб, ўз жиғилдонини эмас, жамият олдидаги масъулиятни устун биладиган тадбиркорлар учун айни муддаодир. Ё устидан, ё остидан, шиорини байроқ қилиб, яширин иқтисодий фаолият олиб борувчи, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаб, валюта билан боғлиқ қонунбузарликлардан ҳайиқмайдиган сохта тадбиркорларга эса ҳеч бир қулайлик яратмайди. Аксинча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларнинг қинғирликларига чек қўйиш бўйича тезкор тадбирлар янада кучайтирилади.

# Билиб хато қилган хароб бўлар

Соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари кенг қамровда қонун ҳимоясига олинаяптики, фуқароларимизда тадбиркорлик етарлича моддий таъминотга эга бўлишнинг асосий йўли эканлигига ишонч ва рағбат анчайин ошган. Шу маънода Президентимизнинг жорий йил июн ойида эълон қилинган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонун доирасида янада эркинлаштиришга қаратилган, қатор Фармонлари ва Қарори ушбу жабҳада изчилликни таъмин этди.

Ривожланган мамлакатларда солиқ тўлашда қонунни менсимаслик оғир жиноят ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

# "Овулдошларим – жигарбандларим"

***Энг улуғ ва азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Оролбўйидаги овуллару шаҳарлар бўйлаб хушхабар тарқалди. "Тахтакўпир" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ағитай Адиловга Президентимизнинг Фармонига биноан Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.***

Бу хабар нафақат Тахтакўпир тумани, балки бутун Қорақалпоғистон аҳлини ғоят хушнуд қилди. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Қорақалпоғистонлик бешинчи Ўзбекистон Қаҳрамони эл-юрт, кенг жамоатчилик орасида одамохунлиги, ҳамиша одамлар ташвишини кундалик ишига айлантирган инсон сифатида назарга тушган эди. Қаҳрамонликкача босиб ўтилган йўл эса узоқ, машаққатли, синовлар билан тўла бўлди.

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

–Бундан 29 йил олдин май ойи эди, - дея эслаганди Ағитай Адилов бир суҳбатимизда. – Туман партия қўмитасининг оддий ходими бўлган мендек овул йигитига Қорақалпоғистонда йирик, кўп тармоқли хўжалик – "Тахтакўпир" давлат хўжалигига раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифа топширилди. Рости, дастлаб юрагим дов бермади. Хўжалик қолоқ. Ғазнаси бўм-бўш. Одамларнинг ишончи сўнаёзган. Устига-устак 18 майгача 35-40 фоиз атрофидаги ерларга чигит экилган экан. 1350 гектарнинг баъзи қисмининг шўри ҳам ювилмаган. Асосий эътиборни уруғ сепилган ерларга қаратдик...

(Давоми 2-бетда)

***Рўйи замин сайқали ҳисобланган қадимий Самарқанднинг Регистон, Гўри Амир, Бибихоним, Тиллакори сингари қадимий обидаларини яёв кезарканман, ёшлигимда бобом билан ҳамроҳ бўлиб юрган кезларимни кўз ўнгимга келтираман.***

# Ёш меъморлар камол топмоқда

Бобом қўллари орқада, хаёл суриб ота-боболаримиз ақл-заковатининг меваси бўлган қадимий осори-атиқаларни зўр ҳайрат, ўзгача қизиқиш билан соатлаб томоша қилар эди. Ҳар гал зиёратдан кейин у киши ўзида зўр қониқиш туяр эди.

ТАЪЛИМ

## Улуғбек набиралари

Самарқанд азал-азалдан тарихий ва меъморий ёдгорликларга бой гўзал маскан. Бу гўшада архитектура ҳамда меъморчиликнинг пири, устаси бўлиб танилган улуғ инсонлар умргузаронлик қилишган.

(Давоми 4-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | |
| --- | --- | --- | --- |
| БЕНЗИН (76) | 394,9 | ▼ | - 5,3 |
| БЕНЗИН (91) | 454,8 | ▼ | - 9,9 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 282,5 | ▼ | - 2,2 |
| МАЗУТ | 68,7 | ▼ | - 8,3 |
| СЖ.ГАЗ | 273,2 | ▼ | - 80,6 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 820,4 | ▲ | + 1,6 |
| САХАР | 588,0 | ▼ | - 0,06 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 | ▼ | - 0,1 |

